

ТҮҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИНВЕСТИЦИОН  
ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АХАМИЯТИ.

ВАЖНОСТЬ РАЗВИТИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НА  
ПРЕДПРИЯТИЯХ ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ.

IMPORTANCE OF DEVELOPMENT OF INVESTMENT ACTIVITY AT THE  
ENTERPRISES OF THE TEXTILE INDUSTRY.

Шерзод Солижонович Махсудов

Фарғона давлат университети тадқиқотчи

**Аннотация:** Мазкур мақолада инвестиция фаолиятини амалга ошириш, корхона бозор қиймати ва даромад манбани ошириш; узоқ муддатли истиқболда ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятни оширишга эришиш; жалб этилган инвестициялар самарадорлигини ошириш, инвестиция жараёнининг объекти тадқиқ этилиши инвестициянинг мақсади, доир хуносалар шакллантирилди.

**Калит сўзлар:** инновация, инвестиция, инвестиция капитал, инвестицион муҳит жозибадор, инвестицион жозибадорлик, инвестицион муҳит, иқтисодиёт рақобатбардошлиги.

**Annotation:** This article discusses the implementation of investment activities that increase the market value of the enterprise and the source of income; achieve an increase in production and economic potential in the long term; Conclusions are drawn about increasing the efficiency of attracted investments, researching the object of the investment process, and the purpose of investing.

**Key words:** innovations, investments, investment capital, attractive investment environment, investment attractiveness, investment environment, economic competitiveness.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается осуществление инвестиционной деятельности, повышающей рыночную стоимость предприятия и источник дохода; добиться увеличения производственно-экономического потенциала в долгосрочной перспективе; Сформированы выводы о повышении эффективности привлекаемых инвестиций, исследовании объекта инвестиционного процесса, цели инвестирования.

**Ключевые слова:** инновации, инвестиции, инвестиционный капитал, привлекательная инвестиционная среда, инвестиционная привлекательность, инвестиционная среда, конкурентоспособность экономики.

## КИРИШ

Жаҳон амалиётида инновацион-инвестицион жараёнларини ривожлантиришда бир қатор муаммоларнинг илмий ечимини таъминлаш юзасидан мақсадли илмий изланишлар ташкил қилинган бўлиб, жумладан инвестиция ва инновация фаолиятини янада самарали ривожлантириш масалаларига мажмуавий ёндашиш, алоқа корхоналарининг инвестицион жозибадорлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, янги хизмат турларини жорий этиш, соф фойданинг жалб қилинаётган инвестициялар миқдори ва харажатларга боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда мавжуд услубий ёндашувларни такомиллаштириш, тўқимачилик саноатида инновацион-инвестицион фаолиятни бошқаришнинг ташкилий-иктисодий механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тўқимачилик корхонада инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг асосий мақсадлари қуидагилар билан изоҳланади: корхона бозор қиймати ва даромад манбани ошириш; узоқ муддатли истиқболда ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятни оширишга эришиш; жалб этилган инвестициялар самарадорлигини ошириш; корхонанинг ликвидлиги, тўловга қобиллиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида назорат қилиш; инвестицияларни молиялаштириш манбаларини оптималлаштириш; инвестиция рискларини бошқариш ва унинг хавфини камайтириш ва бошқалар.

### Адабиётлар таҳлили ва методологияси.

Инвестиция фаолияти билан боғлиқ тадқиқотларнинг ривожланишига XIX асрнинг хорижий иқтисодчи олимлари: Ж. Кейнс, Ж. Кларк, Р. Харрод, С. Фишер, Р. Дорнбуш, Р. Шмалензи ва бошқалар ҳам ўз муносиб ҳиссасини кўшишган<sup>6</sup>.

XX асрнинг 80-йилларига келиб, иқтисодий адабиётларда “инвестиция” атамаси социалистик тақрор ишлаб чиқариш жараёни таҳлили амалиётида фойдаланилмаган ва асосан, хорижлик иқтисодчи олимлар ҳамда капиталистик иқтисодий тадқиқотлардагина келтирилган. Таъкидлаш лозимки, “инвестиция фаолияти” тушунчаси капитал қўйилмалар мазмунидан фарқ қилиб, инвестициядан кўра анча тор маънода қўлланилган. Хусусан, капитал қўйилмалар иқтисодий ресурсларнинг бошқа турлари: ахборот ресурслари, қимматли қоғозлар, товар моддий захиралар ва инсон капиталига ҳам қўйилиши мумкин.

Кейинги ривожланиш босқичларига назар соладиган бўлсак, инвестиция атамаси давлат ва меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда ҳамда илмий тадқиқотларда кенг маънода қўллана бошланган. Ҳужжатларнинг асосий қисмида

<sup>6</sup> Кейнс Дж.М. Общая теория занятости процента и денег. Классики экономической науки – XX век. - М.: Гелиос АРВ, 2020. - с. 229.; Харрод Р.Ф. К теории экономической динамики. Классики экономической мысли. - М.: Директ-Медиа, 2007. - 112 с.; Темирова З.У., Темирболова С.Х. Учебно-методическое пособие по дисциплине «История экономических учений» для студентов ОФО-ЗФО, обучающихся по программе подготовки 38.05.01 «Экономическая безопасность», специализация «Экономико-правовое обеспечение экономической безопасности». – Черкесск:БИЦ СевКавГГТА, 2018. – 44 с.

инвестицияларга берилган таърифлар, капитал қўйилмалар сифатида берилиб, инвестициялар номоддий активлар (ноу-хау, патентлар), айланма активлар, молиявий дастаклар (акциялар, қимматли қоғозлар) ҳам бўлиши мумкинлиги белгиланган. Бу эса “капитал қўйилмалар” инвестицияларнинг таркибий қисми сифатида тор тушунча эканлигидан далолат беради.

Классик иқтисодчилардан бўлган Ж. Кейнс томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотларда инвестициялар истеъмол қилинмаган даромаднинг бир қисми, яъни маълум даврдаги ишлаб чиқариш фаолияти натижасидаги мулкий қийматнинг жорий ўсиши сифатида эътироф этилади<sup>7</sup>. Хорижлик иқтисодчи олимлардан Лоренс Ж. Гитман ва Майкл Д. Жонклар: “Инвестиция – бу даромаднинг самарадорлиги ва капитал қиймати сақланишини кафолатлайдиган ёки унинг қийматини оширишга қаратилган капитални жойлаштириш усули”<sup>8</sup> деб талқин этадилар. Бошқа иқтисодчи олимлар эса: “Инвестициялар - бу капитални сақлаш ва ошириш мақсадидаги пуллик қўйилмалардир”, - деб таъриф беришади<sup>9</sup>. Кейинги талқинларга назар соладиган бўлсак, аксарият иқтисодчи олимларнинг инвестициялар мазмунига бўлган ёндашувларида, уларнинг фикрларида кескин ўзгаришлар кузатилмайди.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Д. Фозибековнинг талқинига кўра, “инвестицияларнинг моҳиятини таърифлаётганда уларнинг турли ҳил рисклар ва кутилаётган даромадлар билан боғлиқлигини ҳамиша ёдда тутмоқ керак. Пулнинг даромад келтириш лаёқати пул келадиган манбаларга ва унинг нималарга сарфланишига, яъни пулнинг қаердан келиши ва нималарга инвестицияланишига боғлиқ. Бинобарин, капитал манбаларнинг ишончлилиги билан маблағларни инвестициялашнинг тўғрилиги ўртасида узвий боғлиқлик кузатилади. Инвестиция ана шу белгилари билан бошқа маблағ турларидан фарқланиб туради”<sup>10</sup>. Б.А. Абдукаримов, А.Н. Жабриев, М.Қ. Пардаевларнинг фикрича: “Инвестиция – бу молиявий (пул) ёки реал капиталга маблағ қўйиш. У пул маблағлари, кредит, қимматбаҳо қоғоз шаклида олиб борилади ва кўчма, кўчма бўлмаган мол-мулкка, интеллектуал мулкка, неъматларга бўлган ҳукуқса ва бошқа қийматликларга қўйилади, яъни корхонанинг барча активларига ишлатилади”<sup>11</sup>. Капитал қўйилмаларни жалб этиш билан боғлиқ бўлган яқуний қарорни инвестиция субъекти, яъни капитал эгаси чиқаради.

Иқтисодий жиҳатдан инвестициялар маълум вақт оралиғида иқтисодий самара олиш мақсадида қўйилган капитални англатади. Сўнгги йилларда

<sup>7</sup> Кейнс Дж.М. Общая теория занятости процента и денег. Классики экономической науки – XX век. - М.: Гелиос АРВ, 2020. – С. 157.

<sup>8</sup> Гитман Л.Д., Джонк М.Д. Основы инвестирования. - М.: Дело, 1999. - 108 с.

<sup>9</sup> Аскинадзи В.М. Инвестиции: учебник для вузов/ В.М. Аскинадзи, В.Ф. Максимова.– 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство “Юрайт”, 2020. 9 с.

<sup>10</sup> Фозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. - Т.: 2002. и.ф.д. дисс. Автореф. 11-14 б.

<sup>11</sup> Абдукаримов Б.А. ва бошталар. Корхона иқтисодиёти (дарслик).-Т.: Фан, 2005. 241 б.

амалда инвестиция фаолиятининг асосий хусусиятлари кенгайиб, таркибий жиҳатдан ўзгариш тенденциясига эга бўлди. Жумладан:

-инвестициянинг мақсади – корхона фойдасини оширишдан ташқари, биринчи ўринда, компания акцияларининг бозор қийматини оширишга ва бу орқали акциядорларнинг иқтисодий ҳолати яхшиланишига олиб келиши;

-инвестиция жараёнининг объекти тадқиқ этилишида узоқ муддатли активлардан ташқари, инвестиция жараёнида қисқа муддатли активларнинг шаклланиши, уларга нисбатан инсон капиталининг таъсир доирасини ҳам ўрганиш;

-инвестицияларни молиялаштириш шакллари ва усулларининг ишлаш механизмларини тадқиқ этишда уларнинг замонавий, яъни лизинг, факторинг, форфейting ва бошқа турларини ҳам инобатга олиш кабилардир.

Алоҳида туркумланган гуруҳлар инвестиция бўлимлари инвестиция олди тадқиқотларнинг намунавий ҳажмини аниқлашга, капитал қўйилмаларнинг тавакалчилик даражасини баҳолашга, шунингдек, бошқарувчилар томонидан қарорларни қабул қилишга узоқ ва қисқа муддатли истиқболда инвестицияларга ажратиладиган маблағнинг қанча миқдорда кераклигини белгилаб беради.

Корхона инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишида қуйидаги мақсадларни амалга ошириш талаб этилади:

жалб этилган инвестициялар натижасида эришиладиган иқтисодий, илмий техник, экологик ва ижтимоий самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда уларнинг даврий таҳлилларини амалга ошириб бориш;

инвестиция капиталидан минимал хавфни ҳисобга олган ҳолда юқори фойда даражасини аниқлаш, бунда юқорида кўрсатилган мақсадларни рўёбга чиқаришда учта дастлабки амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш тақозо этилади.

Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришни масалалари бўйича илмий-назарий, услугбий ва амалий жиҳатлари борасида мустақил тадқиқотлар олиб бориш етарли даражада эмас. Иқтисодий адабиётларда инвестицион муҳит жозибадорлиги сифатида турли тушунчалар талқин қилинмоқда. Мамлакатимизда инвестицион муҳит жозибадорлиги иқтисодчи-олимлар томонидан кам ўрганилган мавзулардан бири эканлиги билан бирга, ушбу масалага ҳозирда янгича ёндашув зарурлигини тақозо этмоқда.

### **Тахлил ва натижалар.**

Бугунги кунда корхона даражасидан бошлаб то миллий иқтисодиёт даражасигача инвестицион фаолиятни бошқаришнинг пухта ўйланган, фундаментал назарияларини яратишга эҳтиёж юзага келди. Шу муносабат билан нафақат инвестицион фаолият муаммосининг категориал аппаратини аниқлаштиришга, балки уларнинг иқтисодий мазмуни ва узвий боғликларини

ҳам илмий изоҳлашга зарурият ҳосил бўлди.

Бироқ, инвестицион муҳит жозибадорлигининг намоён бўлиши кўпроқ мазкур тушунчанинг иқтисодий мазмунини илмий изоҳлашни талаб этади ва Ўзбекистон Республикасида инвестицион маконнинг юқори даражадаги номутаносиб тақсимотидан келиб чиқади. Кўпинча, «инвестицион жозибадорлик», «инвестицион муҳит», «иқтисодиёт рақобатбардошлиги» тушунчаларини маънодош сифатида ишлатилади ва бу, бизнинг фикримизча, муайян чалкашликларни келтириб чиқаради. Бунга сабаб, инвестицион жозибадорлик инвестициялаш ихтиёрий ячейкасининг (ташкилот, маҳаллий ҳокимият, ҳудуд, давлат) ички ва ташқи муҳити билан белгиланади .

Бизнинг фикримизча, икки умумлаштирувчи тавсиф – «инвестицион салоҳият» ва «инвестицион фаолиятнинг нотижорат риски» кўрсаткичларининг ўзаро нисбатидан келиб чиқиб ифодаланади. Бунда шуниси хусусиятлики, инвестицион салоҳият қанчалик юқори бўлса ва инновацион фаолият риски қанчалик паст бўлса, инвестицион жозибадорлик ҳам шунча юқори бўлади ҳамда бунинг оқибатида инвестицион фаоллик ҳам ошади.

### **Хуроса ва таклифлар.**

Юкоридагиларни умумлаштирган ҳолда, қуйидаги таърифи инвестицион муҳит жозибадорлиги тушунчасининг моҳиятини тўлароқ очиб беради деб ҳисоблаймиз: «Инвестицион муҳит жозибадорлиги – мамлакат, тармоқ ва соҳаларга инвестициялар оқимини аниқловчи, таъминлашга имкон берадиган, кафолатланган ҳамда инвестицион фаоллик билан баҳоланадиган иқтисодий, ижтимоий ҳолат, жараён ва воситалар, имконият ва чекловлар йиғиндисидир» .

Ҳозирги замон талаблари ва реал ҳаётий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлаш ва самарали бошқариш йўналишлари илмий тадқиқига янгича ёндошуvening фундаментал асоси шунга таянмоғи лозим.

Фикримизча, мамлакатимиз ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиёт модернизацияси ва либераллашуви шароитидаги янги инвестиция сиёсати доирасида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг долзарб вазифаларини ҳисобга олган ҳолда инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлаш ва самарали бошқариш йўналишларини тизимли тарзда тадқиқ этиш асосий масала қилиб қўйилиши ва унинг дикқат марказида «инвестицион муҳит», «инвестицион салоҳият», «инвестицион фаоллик», «бизнес муҳити» каби ҳаётий белгиловчи омиллар мутаносибликларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш орқали унинг такомиллашган механизмини ишлаб чиқиш ётиши лозим.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ханкелдиева Г.Ш. Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни

**JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH**  
**VOLUME6 ISSUE-10 (30- October)**

рағбатлантиришнинг назарий жихатлари –Biznes-Эксперт илмий журнали, 2022 й., 2-сон

2. Ханкелдиева, Г. Ш. (2017). Корхоналар корпоратив бошқарувининг баҳолаш усулларини таҳлил қилиш. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали, 5.
3. Хонкелдиева, Г. Ш. (2018). Развитие промышленных предприятий в Республики Узбекистан. Т.: Иқтисодиёт ва таълим.
4. Махсудов, Ш. С. (2022). Эркин иқтисодий зоналарнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни. Scientific progress, 3(4), 159-166.
5. Махсудов, Ш. С. (2022). Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг самарали йўналишлари.
6. Махсудов, Ш. С. (2022). Развитие свободных экономических зон в условиях трансформации рыночных отношений. Бюллетень науки и практики, 8(5), 450-456.
7. Махсудов, Ш. С. (2022). Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришда бошқарув органларининг ўрни. O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 1(9), 370-375. Fars Int J Edu Soc Sci Hum 10(12); 2022; Publishing centre of Finland 931
8. Solijonovich, M. S. (2022). The role of government bodies in the development of free economic zones. International Journal of social science & interdisciplinary research issn: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(09), 132-137.
9. Махсудов, Ш. С. (2022). Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни самарадорлигини ошириши ва ривожлантириш. Gospodarka i Innowacje., 24, 993-995.
10. Solijonovich, M. S. (2022). The role of engineering and communication infrastructure in the organization and development of the free economic zone. asia pacific journal of marketing & management review issn: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 11(09), 97-102.
11. Максудов Шерзод Солижонов (2023). Эркин иқтисодий зоналардаги корхоналарнинг фаолиятига инновацион муҳитнинг таъсири. Research Focus, 2 (1), 516-522.
12. Махсудов Ш. Мамлакатда мавжуд эркин иқтисодий зоналарни бошқариш тизимини ташкил этиш. European Journal of Interdisciplinary Research and Development Website: [www.ejird.journalspark.org](http://www.ejird.journalspark.org) 2023 may Fars Int J Edu Soc Sci Hum 10(12); 2022; Publishing centre of Finland 932
13. Ш.С Махсудов Ўзбекистонда тўқимачилик саноати тармоғини ривожланиш ҳолати таҳлили Finland International Scientific Journal of Education 2022 924-932
14. Хамракулов, И. Б. (2023). Организационно-экономическая характеристика развития электроэнергетических предприятий в узбекистане. models and methods for increasing the efficiency of innovative research, 2(23), 398-

402.

15. Хамрақулов, И. Б. (2023). Жаҳонда «яшил иқтисодиёт» нинг энергетика соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг ҳозирги ҳолати таҳлили ва ривожланиш тенденциялари. *Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities*, 11(4), 2361-2366.